

“Ўзбек геология қидирув” АЖ акциядорлик жамияти
Кузатув кенгаши мажлисининг
1-сонли БАЁННОМАСИ

Ўтказилган сана:	2021 йил 20 октябрь
Баённома тузилган сана:	2021 йил 20 октябрь
Мажлис ўтказилган вақт:	соат 16:00 дан 18:00 гача
Мажлис ўтказилган жой:	Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 11-уй

Иштирок этишди:

Ишметов Тимур Аминджанович	Кузатув кенгаши аъзоси
Исламов Бобир Фархадович	Кузатув кенгаши аъзоси
Наримов Рустам Камилович	Кузатув кенгаши аъзоси
Мирхадиев Шухрат Каримович	Кузатув кенгаши аъзоси
Тўхтасинов Ўткир Толибжон ўғли	Кузатув кенгаши аъзоси

Таклиф этилганлар:

О.З. Насритдинходжаев	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари
Х.У. Исмоилов	“Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси в.в.б.
С.О. Когай	“Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси ўринбосари – харидлар бўйича директор в.в.б.
Э.Ҳ. Эргашев	“Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси ўринбосари - Бош геолог в.в.б.
Н.Д. Муратов	“Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқаруви раиси ўринбосари – Бош муҳандис в.в.б.
Ё.Ш. Закиров	“Ўзбек геология қидирув” АЖ Қурилиш ва умумий ишлар бўйича директор в.в.б.
А.Д. Содиқов	“Ўзбек геология қидирув” АЖ Молиявий иқтисодий ҳисоботлар бошқармаси бошлиғи в.в.б.

Кузатув кенгаши аъзоси Т.А. Ишметов мажлисда Кузатув кенгашининг 5 нафар аъзосидан 5 нафари иштирок этаётганлигини, кворум 100 фоизни ташкил этишини – мажлис ваколатли эканлиги (кворум мавжудлиги)ни эълон қилиб, иштирокчиларни кун тартиби билан таништирди.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Ўзбек геология қидирув” АЖ кузатув кенгаши раисини сайлаш.
2. “Ўзбек геология қидирув” АЖ кузатув кенгашининг 2021-2022 йиллар учун иш режасини тасдиқлаш.
3. “Ўзбек геология қидирув” АЖ ижроия органи рахбари билан меҳнат шартномасини имзолаш.
4. “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Корпоратив маслаҳатчи тўғрисида”ги Низомини тасдиқлаш.
5. “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг ички аудит хизматини ташкил этиш ва “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш.
6. “Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси ўринбосарларини тайинлаш, улар билан меҳнат шартномасини имзолаш ва жамият бошқаруви таркибини тасдиқлаш.
7. “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг ташкилий ишлар юзасидан бошқарув раиси в.в.б. Х.У. Исмоилов ҳисоботи.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан “Ўзбек геология қидирув” АЖ ягона акциядорининг 2021 йил 3 августдаги 2-сон ва 2021 йил 18 октябрдаги 3-сон қарорларига асосан жамият кузатув кенгаши қуйидаги таркибда шакллантирилган:

Ишметов Тимур Аминджанович

Исламов Бобир Фархадович

Наримов Рустам Камилович

Мирхадиев Шухрат Каримович

Тўхтасинов Ўткир Толибжон ўғли

Ўзбекистон республикаси Молия вазири

Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси

Иқтисодий тараққиёт ва камбағилликни қисқартириш вазирлиги бошқарма бошлиғи

Вазирлар Маҳкамасининг Геология ва минерал-хомашё базаси масалалари бўйича маъсул ходим

Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 77-моддасига асосан жамият кузатув кенгашининг раиси, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, кузатув кенгаши аъзоси Б. Исламов “Ўзбек геология қидирув” АЖ кузатув кенгаши раислигига кузатув кенгаши аъзоси Т. Ишметовни сайлашни таклиф қилди.

Овозга қўйилган масала:

“Ўзбек геология қидирув” АЖ кузатув кенгаши раиси этиб Т. Ишметов сайлансин.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар” – 5;

“Қаршилар” – Йўқ;

“Бетарафлар” – Йўқ.

Биринчи масала юзасидан овоз бериш натижаларига кўра, Кузатув кенгаши қарор қилади:

“Ўзбек геология қидирув” АЖ кузатув кенгаши раиси этиб Т. Ишметов сайлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши раиси Т. Ишметов сўзга чиқиб келгусида кузатув кенгаши фаолиятини амалга ошириш мақсадида мажлис қатнашчиларини “Ўзбек геология қидирув” АЖ кузатув кенгашининг 2021-2022 йиллар учун ишлаб чиқилган иш режаси лойиҳаси билан тантиштирди.

Кузатув кенгаши аъзолари ўзаро фикр алмашганларидан сўнг бир овоздан “Ўзбек геология қидирув” АЖ кузатув кенгашининг 2021-2022 йиллар учун иш режасини тасдиқлашга келишишди.

Овозга қўйилган масала:

“Ўзбек геология қидирув” АЖ кузатув кенгашининг 2021-2022 йиллар учун иш режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар” – 5;

“Қаршилар” – Йўқ;

“Бетарафлар” – Йўқ.

Иккинчи масала юзасидан овоз бериш натижаларига кўра, Кузатув кенгаши қарор қилади:

“Ўзбек геология қидирув” АЖ кузатув кенгашининг 2021-2022 йиллар учун иш режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан “Ўзбек геология қидирув” АЖ ягона акциядорининг 2021 йил 24 июлдаги 1-сон қарорига асосан “Ўзбек геология қидирув” АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи этиб Исмаилов Хасан Усманович тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 79-моддасига ва жамият уставига кўра “Ўзбек геология қидирув” АЖ ижроия органи раҳбари билан меҳнат шартномаси жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Шунга кўра, кузатув кенгаши аъзолари меҳнат шартномаси лойиҳаси билан танишди ҳамда масала овозга қўйилди.

Овозга қўйилган масала:

“Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси вазифасини бажарувчиси Исмаилов Хасан Усманович билан меҳнат шартномаси имзолансин.

“Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарувига меҳнат шартномани ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳолда кузатув кенгаши раиси Т. Ишметовга имзога тақдим этиш юклатилсин.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар” – 5;

“Қаршилар” – Йўқ;

“Бетарафлар” – Йўқ.

Учинчи масала юзасидан овоз бериш натижаларига кўра, Кузатув кенгаши қарор қилади:

“Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси вазифасини бажарувчиси Исмаилов Хасан Усманович билан меҳнат шартномаси имзолансин.

“Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарувига меҳнат шартномани ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳолда кузатув кенгаши раиси Т. Ишметовга имзога тақдим этиш юклатилсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши аъзоси Ш. Мирхадиев ушбу масала юзасидан сўзни Жамият Молиявий иқтисодий ҳисоботлар бошқармаси бошлиғи в.в.б А. Содиқовга берди. А.Содиқов Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 75-моддасига асосан кузатув кенгаши ваколат доирасига корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш киртилганлигини, шунингдек бундай лавозимни жорий этиш жамият уставида ва ташкилий тузилмасида назарда тутилганлигини маълум қилди.

Шу муносабат билан “Ўзбек геология қидирув” АЖ ижроия органи томонидан ишлаб чиқилган “Корпоратив маслаҳатчи тўғрисида”ги Низом лойиҳаси тасдиқлаш учун кузатув кенгашига тақдим этилди.

Овозга қўйилган масала:

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Корпоратив маслаҳатчи тўғрисида”ги Низоми 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар” – 5;

“Қаршилар” – Йўқ;

“Бетарафлар” – Йўқ.

Тўртинчи масала юзасидан овоз бериш натижаларига кўра, Кузатув кенгаши қарор қилади:

Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Корпоратив маслаҳатчи тўғрисида”ги Низоми 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши аъзоси Ў. Тўхтасинов сўзга чиқиб куйидагиларни маълум қилди:

Юқорида қайд этилган қонунинг 108-моддасига кўра, активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 75-моддасига асосан ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш кузатув кенгаши ваколат доирасига киритилган.

Шу билан бирга, Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширишни инобатга олиб, “Ўзбек геология қидирув” АЖда икки ходимдан иборат ички аудит хизмати ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солувчи “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш лозимдир.

Овозга қўйилган масала:

1. “Ўзбек геология қидирув” АЖда икки ходимдан иборат ички аудит хизмати ташкил этилсин.

2. “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низоми 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жамият ижроия органига “Ўзбек геология қидирув” АЖ ички аудит хизматига икки нафар ходимларни жалб қилиш бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда танлов (конкурс) эълон қилиш ва танлов натижаларини кузатув кенгашининг кейинги мажлисига киритиш юклатилсин.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар” – 5;

“Қаршилар” – Йўқ;

“Бетарафлар” – Йўқ.

Бешинчи масала юзасидан овоз бериш натижаларига кўра, Кузатув кенгаши қарор қилади:

1. “Ўзбек геология қидирув” АЖда икки ходимдан иборат ички аудит хизмати ташкил этилсин.

2. “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низоми 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жамият ижроия органига “Ўзбек геология қидирув” АЖ ички аудит хизматига икки нафар ходимларни жалб қилиш бўйича қонунчиликда белгиланган

тартибда танлов (конкурс) эълон қилиш ва танлов натижаларини кузатув кенгашининг кейинги мажлисига киритиш юклатилсин.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан Жамият ягона акциядори Молия вазирлиги томонидан “Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси ўринбосарлигига номзодлар қонунчиликда ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Жамият Бошқарув раиси ўринбосарларига розилик берилган:

- Эргашев Элмурод Хасанович – Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари - Бош геолог вазифасини вақтинча бажарувчи;

- Когай Станислав Олегович – Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – харидлар бўйича директор вазифасини вақтинча бажарувчи;

- Муратов Нуриддин Джабборович - Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – Бош муҳандис вазифасини вақтинча бажарувчи.

Жамият Уставининг 10.4-бандига кўра, Жамият Бошқарув раиси ўринбосарларини тайинлаш Кузатув кенгаши ваколатига киради ҳамда улар билан меҳнат шартномалари Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади.

Шунга кўра, қуйидаги номзодларни Жамият Бошқарув раиси ўринбосарлари лавозимига тайинлаш ва улар билан меҳнат шартномасини имзолаш таклиф этилади:

- Эргашев Элмурод Хасанович – Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари - Бош геолог вазифасини вақтинча бажарувчи;

- Когай Станислав Олегович – Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – харидлар бўйича директор вазифасини вақтинча бажарувчи;

- Муратов Нуриддин Джабборович - Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – Бош муҳандис вазифасини вақтинча бажарувчи.

Шунингдек, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 75-моддасига кўра кузатув кенгаши ваколат доирасига жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, агар жамият уставига кўра бундай ҳуқуқ жамият кузатув кенгашига берилган бўлса, киради.

Жамият Уставининг 10.4-бандига кўра, Бошқарув аъзоларини тайинлаш кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади ҳамда Уставнинг 10.1-бандига асосан Бошқарув 6 кишидан иборат бўлиб, бир йилга сайланадилар.

Шунга кўра, Бошқарув раиси в.в.б. Х. Исмаилов жамият Бошқаруви таркибига қуйидаги номзодларни тасдиқлашни таклиф этди:

1. Исмоилов Хасан Усманович - Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси;

2. Эргашев Элмурод Хасанович – Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари - Бош геолог;

3. Когай Станислав Олегович – Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – харидлар бўйича директор;

4. Муратов Нуриддин Джабборович - Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – Бош муҳандис;

5. Закиров Ёрқин Шавкатович – Жамият Қурилиш ва умумий ишлар бўйича директор в.в.б.

Овозга қўйилган масала:

1. “Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси ўринбосари - Бош геолог лавозимига - Эргашев Элмурод Хасанович тайинлансин.
2. “Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси ўринбосари - харидлар бўйича директор лавозимига - Когай Станислав Олегович тайинлансин.
3. “Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси ўринбосари – Бош муҳандис лавозимига - Муратов Нуриддин Джабборович тайинлансин.
4. “Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси ўринбосарлари билан меҳнат шартномаси имзолансин.
5. “Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарувига меҳнат шартномаларини ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳолда кузатув кенгаши раиси Т. Ишметовга имзога тақдим этиш юклатилсин.
6. “Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқаруви қуйидаги таркибда тасдиқлансин:
 - 1) Исмоилов Хасан Усманович - Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси;
 - 2) Эргашев Элмурод Хасанович – Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари - Бош геолог;
 - 3) Когай Станислав Олегович – Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – харидлар бўйича директор;
 - 4) Муратов Нуриддин Джабборович - Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – Бош муҳандис;
 - 5) Закиров Ёрқин Шавкатович – Жамият Қурилиш ва умумий ишлар бўйича директор в.в.б.

Овоз бериш натижалари:

- “Тарафдорлар” – 5;
“Қаршилар” – Йўқ;
“Бетарафлар” – Йўқ.

Олтинчи масала юзасидан овоз бериш натижаларига кўра, Кузатув кенгаши қарор қилади:

1. “Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси ўринбосари - Бош геолог лавозимига - Эргашев Элмурод Хасанович тайинлансин.
2. “Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси ўринбосари - харидлар бўйича директор лавозимига - Когай Станислав Олегович тайинлансин.
3. “Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси ўринбосари – Бош муҳандис лавозимига - Муратов Нуриддин Джабборович тайинлансин.
4. “Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси ўринбосарлари билан меҳнат шартномаси имзолансин.
5. “Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарувига меҳнат шартномаларини ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳолда кузатув кенгаши раиси Т. Ишметовга имзога тақдим этиш юклатилсин.
6. “Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқаруви қуйидаги таркибда тасдиқлансин:
 - 1) Исмоилов Хасан Усманович - Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси;
 - 2) Эргашев Элмурод Хасанович – Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари - Бош геолог;

3) Когай Станислав Олегович – Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – харидлар бўйича директор;

4) Муратов Нуриддин Джабборович - Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – Бош муҳандис;

5) Закиров Ёрқин Шавкатович – Жамият Қурилиш ва умумий ишлар бўйича директор в.в.б.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан “Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси в.в.б. Х. Исмаилов кузатув кенгашини Жамиятни ташкил этилиши ва амалга оширилган ишлар бўйича маълумот ва тегишли материаллари билан тантиштириб ўтди.

Овозга қўйилган масала:

“Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси в.в.б. Х. Исмаиловнинг ахборот ва материаллари маълумот учун қабул қилинсин.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар” – 5;

“Қаршилар” – Йўқ;

“Бетарафлар” – Йўқ.

Еттинчи масала юзасидан овоз бериш натижаларига кўра, Кузатув кенгаши қарор қилади:

“Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси в.в.б. Х. Исмаиловнинг ахборот ва материаллари маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартиби масалалари тугади.


Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши барча аъзоларини иштирок этканлиги учун миннатдорчилик билдириб мажлисни ёпиқ деб эълон қилди.

Кузатув кенгаши раиси:



Т.А. Ишметов

Кузатув кенгаши аъзолари:



Б.Ф. Исламов



Р.К. Наримов



Ш.К. Мирхадиев



Ў.Т. Тўхтасинов